

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
  
**Мусаҳҳихлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

---

**У.Ҳамдамов**

Истиқпол даври ўзбек романлари рамз поэтикасига чизгилар (Аҳмад Аъзамнинг  
“Рӯё ёхуд Ғулистонга сафар” романи мисолида) ..... 198

**О.Холматов**

XX аср Ғарб прозасида “Йўқотилган авлод” муаммоси ..... 202

**Г.Ҳайдарова**

Собир Абдулла ижодида Алишер Навоий анъаналари ..... 205

**Ҳ.Рахматжонова**

Аваз Ўтар сатирасида тадрижийлик ..... 210

**Н.Мўминова**

Халқ инонч айтимлари хусусида ..... 213

**А.Муҳиддинов**

Тилнинг генетик ва ижтимоий негизли парадигмасининг транзитивлиги ..... 216

**Д.Юлдашева**

Болалар нутқида лакуна ва унинг ифодаланиши ..... 219

**Ҳ.Сотвалдиева**

Мақоллар ва уларнинг лингвистик хусусиятлари ..... 222

**Н.Ҳамраев**

Даврий нашрларда тил тараққиётига доир илмий ёндашувлар таҳлили ..... 225

**Ш.Асқарова**

Ўзбек-немис билингвизмидаги интерференция ҳодисалари ..... 228

**З.Тўйчиева**

Ўзбек тилида исм танлаш масалалари ..... 232

**Р.Ҳамдамов**

Интернет-маркетинг терминларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўзбек тилида  
ифодалаш муаммолари ..... 235

**Д.Истроилова**

Ноғилологик олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитиш жараёнида  
маданиятлараро компетенцияни шакллантириш ..... 238

**Ф.Анварова**

Чет тили илк ўрганувчиларида юзага келадиган муаммоларни бартараф қилишда  
машқлардан фойдаланиш ..... 242

---

**ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ**

**Зулматда зиё излаган юксак салоҳият соҳиби** ..... 245

**Мукаррам инсон ёди** ..... 248

---

**БИБЛИОГРАФИЯ**

**Библиография** ..... 250

УДК: 8-1/-9+8-7

## АВАЗ ЎТАР САТИРАСИДА ТАДРИЖИЙЛИК

## ПОСТЕПЕННОСТЬ В САТИРЕ АВАЗА ОТАРА

## GRADUALITY IN THE SATIRE OF AVAZ OTAR

Хуснида Раҳматжонова<sup>1</sup><sup>1</sup>Хуснида Раҳматжонова— ФарДУ адабиётшунослик кафедраси  
магистранти**Аннотация**

Мақолада ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Аваз Ўтар ижоди мисолида сатиранинг тадрижий такомили ҳақида сўз боради.

**Аннотация**

*В статье рассматривается постепенное развитие сатиры на примере Аваза Отара, одного из самых известных представителей узбекской классической литературы.*

**Annotation**

*The article deals with the gradual development of satire on the example of Avaz Otar, one of the most famous representatives of Uzbek classical literature.*

**Таянч сўз ва иборалар:** анъана, ўзиға хослик, ижтимоий ҳаёт, воқеликка муносабат, сатира, бадиий тасвир, тадрижий такомил.

**Ключевые слова и выражения:** традиция, самобытность, общественная жизнь, отношение к действительности, сатира, художественный образ, постепенное совершенствование.

**Keywords and expressions:** tradition, originality, social life, attitude to reality, satire, artistic image, gradual perfection.

Бадиий адабиёт ижтимоий ҳаётнинг кўзгусидир. Воқеликда рўй берадётган ҳодисалар, турмушдаги ўзгаришлар, халқнинг орзу-умидлари ва интилишлари даврнинг пешқадам кишилари бўлган сўз санъаткорларининг қалами орқали у ёки бу даражада акс этиб боради. Албатта, воқеликнинг қандай ва қайси позицияда туриб бадиий ифодаланиши шоирнинг дунёқараши, истеъоди, феъл-автори, таъбидаги муайян мойилликлар таъсирида юзага келади. Тақдиридан хушнудлик ёки аксинча замона носозликларидан норозилик, ўз мақеидан ифтихор ёхуд давр адолатсизликларидан шикоят шоир ижодида мадҳ типидаги лирик асарлар ёки аксинча сатирик руҳдаги бадиий адабиёт намуналари майдонга келишига сабаб бўлади.

Хоразм адабий муҳити ҳақида сўз кетганда ҳам ана шу икки позицияда турган ижодкорларни кўз олдимишга келтиришимиз мумкин. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз топшириғига кўра шоир Табибий томонидан тартиб берилган “Мажмуайи си шуаро” (ўттиз шоир ҳақида) тазкирасида Хоразм адабий муҳитининг етакчи ижодкорларидан ўттиз нафари ҳақида маълумот берилган. Тазкирада XIX аср

охири – XX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган шоирларнинг ҳар бирига хос асосий хусусият уларнинг тахаллуси олдидан келтирилган ва бу айни пайтда уларнинг муҳтасар таърифи ҳамdir. Уларнинг кўпчилиги қасида ва назира ёзишда, баъзилари лирик шоир сифатида, айримлари эса сатирик асарлар яратишда пешқадам бўлганлар. Сарой муҳитида уларга бир хилда муносабатда бўлинмаганлиги, маддоҳ ҳамда назирагўй шоирлар кўпроқ хон илтифотига лойик бўлганлари, ҳажвчи шоирлар эса эътибордан четда қолиб, ҳатто таъқиб остига олинганликлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган [6, 17].

Агар Табибий тазкирасини Фазлийнинг Кўқон адабий муҳити намояндалари ҳақидаги “Мажмуай шоирон” тазкираси билан тақосласак, сезиларли тафовутни кузатамиз. Фазлий “Мажмуай шоирон”да “ба табъи шоҳ” – шоҳнинг дидига мос келадиган асарлар ёзган шоирлар (Фазлий, Мушриф, Адо, Хижлат ва бошқалар) таҳсину мақтовларга сазовор бўлса, халқнинг оғир ҳаётини тасвирлаб, ўз замонасига норозилик билдирган Махмур, Гулханий каби қаламкашлар очиқдан очиқ қораланиб,

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

камситилади. Табибийнинг Хоразм шоирлари ҳақидаги тазкирасида эса бирорта шоир шахсиятига нисбатан ҳақоратомуз сўзлар қўлланилмайди. Аваз, Камолий, Роғиб, Мутриб Xонахароб каби шоирларга нисбатан танқидий муносабат учраса-да, бу фақат уларнинг ижодига тегишли ва асосли

бўлиб, уни инсон сифатида ерга уришга интилиш йўқ [7,13].

Дарҳақиқат, ҳаёт ҳақиқатини куйлаш борасида Хоразм адабий мұхитининг йирик вакиллари Аваз, Сўфи, Xонахароб бошқа шоирлардан фарқ қиласилар. Аваз Ўтар буни куйидагича эътироф этган эди:

*Гарчи жаҳонда кўпдурур ағзол аё аҳли уқул,  
Лекин Аваз назмига ҳар абёти девон ўхшамас [5,56].*

Дарҳақиқат, Аваз хон илтифотига сазовор бўлиш учун тиришмагани, маддохликдан ийроқ бўлгандиги учун ҳам саройдан четлаштирилган. Унинг табиатидаги исёнкорлик, ҳажвга мойиллик, тўғрисўзлик шахсий ҳаётида ҳам кўплаб кулфатлар келтириди. Бу эса ўз навбатида шоир ижодида замон носозликларидан шикоят ҳамда воқеликка танқидий назарни келтириб чиқарди:

*Ҳужум этгуви бошима дарду ғам,  
Замону замону замону замон.  
Мени ҳолим ашъорим ичра дуур  
Баёну баёну баёну баён.*

Шоирнинг иқтисодий ночорлиқда кун кечириши, ҳукмрон табақаларнинг назаридан қолиши, истеъдодига яраша эътибор топа олмаслиги унинг руҳиятида исёнкорлик туйғуларини уйғотиши табиий эди. Шунинг учун бўлса керак, ўз нафратига дучор бўлган амир-амалдорларнинг ҳомийси бўлмиш хоннинг бошини олишга поки – ханжар бўлишга ҳам тайёрлигини айтади:

*Билинг, ушбу замон ғамнокидурман,  
Куйиб ўртанимиш элнинг хокидурман.  
Авазким назм элининг чолокидурман,  
Бошин олмоққа хоннинг покидурман.*

Унинг бу исёнкорлиги ҳукмрон доираларни бефарқ қолдирмаслиги табиий эди. Шунинг учун ҳам у қаттиқ жисмоний жазога ҳукм қилиниб, 150 қамчи урилади. Уни эл назаридан четда сақлаш, овозини ўчириш учун жинни деб эълон қилинади ва чет бир ердаги мозористонга кишанлаб қўйилади. Албатта бу ҳол шоирни тушкун ҳолатга солади. У давр ва мұхитдан, замона носозлигидан қаттиқ изтиробга тушади. Үзининг толеи пастлигидан, кулфату балоларга дучорлигидан нола чекади:

*Кўзумга даҳр ўлуб яксар қоронғу,  
Анга шому саҳарда келмас уйқу.  
Келур бошимга турфа можаролар,  
Ҳужум айлаб бори хайли балолар.*

Шоир бора-бора ҳаётни кенгроқ ва чукуурроқ идрок эта бошлайди. Ён атрофида ўзига ўхшаш жуда кўп бахтсиз кишиларни, ижтимоий адолатсизликларни кўра бошлади. У аксарият меҳнаткаш, хунарманд ва маърифат соҳибларини ғам-аламда, жоҳил давлатмандларни айш-ишратда кўрди. Замона кулфатларидан ўзи сингари азият чекаётган кишиларга ҳамдардлик туйғуларини ифода эта бошлади:

*Кима дарди дилим изҳор қилсан гар мани бедил,  
Ўзимдин минг батарроқ дард била мубтало кўрдум.  
Кима сирримни изҳор айласам ман ушбу оламда,  
Ўзим ёнглиғ барисин дарду ғамға мубтало кўрдум.*

Аваз яшаган мұхитда ҳукмрон доиралар бирон нарсага қурби етмаган оддий фуқарога ҳам, мол дунёси бўлмаган олим, фозил кишиларга ҳам паст назар билан қараш ҳоллари учрар эди. Уларнинг андозаси насл-насад, мансаб ва мол дунё эди. Шоир ўз мол-дунёсини кўз-кўз қилувчи, ноинсофлик воситасида бойлик орттирувчи давлатмандларни қоралаб, уларнинг кибури ҳавосидан кулади, нафратланади. Уларга қаратади:

*Эй ғани, кибр ила наҳват маркин айлаб ихтиёр  
Оқил эрсанг кир диёри факр аро кошона тут.*

Шоир яшаган мұхитнинг ижтимоий иллатларидан яна бири киборлар оламининг молдунёга мүккасидан кетиб, бу йўлда ҳар қандай қабиҳликдан қайтмасликлари эди. Бой ва аъёнларнинг худбин ва баднафсликларидан озорланган шоир аччиқ заҳарханда билан шундай дейди:

Оlamda bari iш қaramishi сийм ила зарга,  
Аҳли замон, э кўнгул, дегувси яхши киши –  
Кимни бор эрса басе ёнида сийму зари.

Шоирнинг бундай табақалар устидан сатирик таҳлили ва хulosалари бу билан тугамайди. Халқимизда “Бой кийса муборак бўлсин, камбағал кийса қаердан олдинг?” деган аччиқ заҳархандали матали бор. Аваз ана шу фольклор манбаидан унумли фойдаланиб, айрим бадавлат кишиларнинг баҳиллиги ҳамда ҳасадгўйликларини ҳам аччиқ кулгига рўпара қиласди:

Ҳасудлиғ айлаб бу замон ким берди дер аҳли жаҳон,  
Кийса янги хилъат агар қашшоқ-қаллош устинан.

Ёки қуидаги мисралардаги сатирик хulosаларга эътибор берайлик:

Гардуни дун зулму ситам озода элга қилғуси,  
Жаўру жафо ойинини фош айлабон фош устинан.  
Бўйла мурувватсиз замон аҳли эзурким, э Аваз,  
Гар топса фурсат бергуси оғу қўшиб ош устинан.

Аваз яшаган даврнинг энг катта иллатларидан яна бири меҳнаткаш омманинг ўз меҳнати самарасидан баҳра ололмаслиги, “ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир”ларнинг текинхўрликдан уялмасликлари эди:

Дигар наҳли чекиб меҳнат бировлар,  
Вале ондин кўрар роҳат бировлар.

Ўзи мансуб бўлган жамиятдаги адолатсизлик, амир-амалдорларнинг ноинсофлиги, бой-бадавлат кишиларнинг кибр-ҳавоси ва худбинлиги, айрим дин ва шариат пешволарининг мунофиқлиги ва риёкорлиги, охир-оқибат шоир томонидан қуидагича ҳукм ва хулоса чиқарилишига олиб келди:

Жаҳонда шуму бадбахт ул кишиидурким сабоҳу шом,  
Берур бечора у дармондаларга жаёр ила озор.  
Қилиб қаҳру ситам беҳаду сон келгунча илгидин,  
Ғарib афтодаларнинг ҳолига кулгу қилур изҳор [4,141].

Ҳаёт воқеликларини мунтазам кузатиб борган Аваз халқ бошига тушаётган азоб-уқубатларга бефарқ бўла олмас эди. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётда рўй бераётган ҳодисаларга муносабатини билдирап экан, унинг ижодида мавзулар қўлами тобора кенгайиб борди. Шоир яратга асарларда жамиятдаги иллатларни фош қилиш бора-бора муайян ва аниқ шахслар тимсолида амалга оширила бошланди. Чунки шоир эл-юргита кулфат келтираётган, одамлар нафратига дучор бўлаётган кимсаларга қарши адабиётни, сатирани қурол қилиб олди.

#### Адабиётлар:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т., 1980.
2. Абдурасулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари. –Т., 1972.
3. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. –Тошкент. 1972.
4. Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира. Т. 1961.
5. Асрлар нидоси. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент. 1982.
6. Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. Тошкент. 1967 йил.
7. Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис. Тошкент. 2007 йил.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).